Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "15" сентябрдаги
287-сонли буйруғига
3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

«ГИПЕРПИГМЕНТАЦИЯ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ КОСМЕТОЛОГИЯДА ТИББИЙ ҲИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ 2025

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ
Директор в.б.
Сабиров У.Ю.

_____

«____» _____ 2025 йил

« ГИПЕРПИГМЕНТАЦИЯ » НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ КОСМЕТОЛОГИЯДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ 2025

« ГИПЕРПИГМЕНТАЦИЯ » НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ

Тошкент 2025

1. КИРИШ ҚИСМИ

10/11-ХКТ бўйича кодлар:

L81.0	Яллиғланишдан кейинги гиперпигментация	ED60.2	Яллиғланишдан кейинги гиперпигментация
L81.1	Хлоазма	ED60.1	Хлоазма
L81.2	Сепкиллар	ED61.0	Сепкиллар
L81.8	Бошқа аниқланган пигментациялар		
	https://medihost.ru/glossary/mkb/11328		https://icd11.ru/narusheniya-epidermisa-mkb11/

Протокол ишлаб чиқилиши ва қайта кўрилиши санаси: 2025-йил, протоколни қайта кўриб чиқиш санаси 2028-йил ёки янги асосий далиллар пайдо бўлганда. Барча тақдим этилган тавсияларга киритилган ўзгартиришлар тегишли ҳужжатларда элон қилинади.

Ушбу клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса:

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази

Миллий клиник баённома ва стандартни яратишда ўз хиссаларини қўшдилар:

1.	Сабиров У.Ю.	Марказ директори т.ф.д., профессор	ЎзР ССВ “РИДВваКИАТМ”
2.	Муминова С.Р.	Дерматовенеролог, Дерматокосметолог шифокор, т.ф.н.	ЎзР ССВ “РИДВваКИАТМ”

Тақризчилар:

1. Цой Наталья Олеговна – “Остона Тиббиёт Университети” НАЖ дерматовенерология ва косметология кафедраси доценти, PhD.
2. Ходжаева Н.Б. – ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ дерматокосметология муаммоларини ўрганиш илмий лабораторияси мудири, DSc.

Техник эксперт баҳо ва таҳрирлаш:

1. Иноятов Аваз Шавкатович – т.ф.д., директорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, клиника бош шифокори.

2. Джалилов Дилшод Сайфуллаевич – т.ф.н., директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош

мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Муҳокама протоколидан олинган сана ва рақам: ЎзР ССВ “РИДВваКИАТМ” Илмий Кенгашининг 26.06.2025даги 6 сонли баённомасидан кўчирма

Протокол фойдаланувчилари:

1. Дерматовенеролог шифокорлари;
2. Тиббий косметологлар;
3. Умумий амалиёт шифокорлари;
4. Соғлиқни сақлаш ташкилотчилари;
5. Клиник фармакологлар;
6. Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари, клиник ординаторлар, магистрантлар, ўқитувчилари;
7. Ушбу патология билан оғриган беморлар, уларнинг оила аъзолари ва ғамхўрлик қилувчилар.

Ушбу протокол гиперпигментациянинг замонавий диагностика ва даволаш усулларини соғлиқни сақлаш амалиётига оммавий жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу нозология бўйича беморлар категорияси: ушбу диагнози мавжуд беморлар.

Диагностика усуллари учун далиллар даражасини баҳолаш шкаласи (диагностик аралашувлар)

ДИД	Шарҳи
1	Референс усулидан фойдаланган тадқиқотларнинг тизимли кўриб чиқилиши ёки мета-таҳлил қўлланилиши билан рандомизирланган клиник тадқиқотларнинг тизимли кўриб чиқилиши.
2	Референс усулидан фойдаланган алоҳида тадқиқотлар ёки алоҳида рандомизирланган клиник тадқиқотлар ва мета-таҳлил қўлланилган рандомизирланган клиник тадқиқотлардан ташқари, ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларнинг тизимли кўриб чиқилиши.
3	Референс усули бўлмаган назоратсиз тадқиқотлар ёки тадқиқ этилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усулидан фойдаланган тадқиқотлар ва рандомизирланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлари.
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, клиник ҳолатнинг тавсифи.
5	Фақат таъсир механизмлари асослантирилган ёки мутахассисларнинг фикри мавжуд.

Профилактик, даволаш, реабилитацион аралашувлар учун далиллар ишонарлилиги даражаларини баҳолаш шкаласи

ДИД	Шарҳи
1	Мета-таҳлил қўлланган рандомизирланган клиник тадқиқотларнинг тизимли кўриб чиқилиши.
2	Алохида рандомизирланган клиник тадқиқотлар ва мета-таҳлил қўлланилган рандомизирланган клиник тадқиқотлардан ташқари, ҳар қандай дизайнга эга тадқиқотларнинг тизимли кўриб чиқилиши.
3	Рандомизирланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлари.
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар сериясининг тавсифи, "ҳолат-назорат" тадқиқотлари.

5	Фақат аралашувнинг таъсир механизмининг асослантирилиши (клиника олди тадқиқотлар) ёки мутахассислар фикри мавжуд.

Профилактик, диагностик ва даволаш-реабилитация тадбирларига оид тавсиялар ишончлилиги даражасини баҳолаш шкаласи

ТИД	Шарҳи
A	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилаётган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли методологик сифатга эга, уларнинг натижалар бўйича хулосалари мувофиқ).
B	Шартли тавсия (барча кўриб чиқилаётган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим эмас, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли методологик сифатга эга эмас ёки уларнинг натижалар бўйича хулосалари мувофиқ эмас).
C	Кучсиз тавсия (зарур сифатдаги далиллар йўқ; барча кўриб чиқилаётган самарадорлик мезонлари (натижалар) аҳамиятсиз, барча тадқиқотлар паст методологик сифатга эга ва уларнинг қизиқарли натижалар бўйича хулосалари мувофиқ эмас).

Мундарижа

“ГИПЕРПИГМЕНТАЦИЯ” НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....4

“ГИПЕРПИГМЕНТАЦИЯ” БЎЙИЧА ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРНИНГ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....26

“ГИПЕРПИГМЕНТАЦИЯ” КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ.....33

Қисқартмалар рўйхати:

МКБ	Халқаро касалликлар таснифи
ИХЛА	Иммунохемилюминесцент таҳлил
ИФлА	Иммунофлюоресцент таҳлил
ИФА	Иммунофермент таҳлил
ПЗР	Полимераз занжир реакцияси
РИФ	Реакция ИммуноФлуоресценц реакцияси
ОТИР	Оқиш Трепонема Иммобилизация Реакцияси
ПГаР	Пассив Гемагглютинация Реакцияси
ЭЧТ	Эритроцитлар чўкиш тезлиги
IgG IgM	(Immunoglobulinum) Иммуноглобулины G ва M
ОИВ	Одам иммун танқислиги
ХНМ	Халқаро нормаллаштирилган муносабатлар
БЖССТ	Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ОК	орал контрацептивлар
NF-kb -	k-бета усун ядроомили
MASI	гиперпигментациялар майдони ва оғирлиги индекси
MELASQOL	мелазмали беморлар ҳаёт сифати шкаласи

Кириш.

Гиперпигментация — терининг пигментациясига доир энг кенг тарқалган бузилишлардан бири бўлиб, дерма ёки эпидермиснинг маълум соҳаларида меланиннинг ҳаддан ташқари тўпланиши билан характерланади. Бу ҳолат мустақил эстетик муаммо сифатида намоён бўлиши ёки турли дерматологик ёки эндокрин касалликларнинг белгиси бўлиши мумкин. Гиперпигментациянинг энг кўп учрайдиган шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади: мелазма, яллиғланишдан кейинги гиперпигментация ва қуёш (лентигиоз) доғлари.

Мазкур миллий клиник протоколларни ишлаб чиқишдан мақсад — тиббий косметология доирасида гиперпигментацияга чалинган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамни стандартлаштиришдир. Протоколлар замонавий клиник тавсиялар, халқаро илмий маълумотлар ва етакчи мутахассисларнинг амалиётдаги тажрибасига асосланган ҳолда, хавфсизлик, самарадорлик ва ҳар бир беморга индивидуал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тавсифи

Мелазма (юнонча “melas” — қора) ёки хлоазма (юнонча “chloasma” — яшил) — орттирилган пигментация бузилиши бўлиб, асосан юз, бўйин, олд ва орқа декольте соҳаси, қўлларнинг ёзувчи юзаси каби очиқ жойларда билатерал ва симметрик жойлашган, оч жигарранг ёки қаҳваранг доғлар кўринишида намоён бўлади. Улар нотўғри шаклда бўлиб, бир-бири билан қўшилиб кетишга мойил ва провокацион омиллар бартараф этилганда ўз-ўзидан йўқолиши мумкин [1,3,4,5,7].

Гарчи “хлоазма” ва “мелазма” атамалари ўзаро синоним ҳисобланса-да, амалиётда “хлоазма”

атамаси кўпроқ ҳомиладор аёллар, жинсий тизим патологиясига эга аёллар ва перорал контрацептив воситалар қабул қилаётган аёлларда учрайдиган гиперпигментациянинг тури сифатида қўлланилади [20,21]. Қатор муаллифлар томонидан “хлоазма”, “ҳомиладорлик ниқоби”, “жигар доғлари”, “бачадон хлоазмаси”, “chloasma gravidarum”, “chloasma virgininum” каби атамалар эскирган ва бемор ҳолатини тўлиқ ифода эта олмайдиган, семантик жиҳатдан ноўрин тушунчалар сифатида қаралади [28]. Бироқ, бу тушунчалар ҳанузгача дерматология адабиётларида учраб турибди.
Яллиғланишдан кейинги гиперпигментация (ЯКГ) — сезувчанлиги ошган меланоцитларнинг яллиғланишдан кейинги пайдо бўладиган орттирилган иккиламчи пигментация бузилиши ҳисобланади [1,2,6,9].
Меланинга боғлиқ бўлмаган пигментациялар — тери да меланинга мансуб бўлмаган ранг берувчи моддаларнинг тўпланиши натижасида юзага келадиган пигментация жараёнидир. Меланинсиз пигментация турларига темир билан боғлиқ пигментация, охроноз (алкаптонурия) ва аргирия киради.
Татуировка — бу терига доимий расм тушириш жараёни бўлиб, у маҳаллий шикастлантириш орқали пигментни тери ости қатламига юбориш усулида амалга оширилади.

Этиология ва патогенези

Гиперпигментация ривожланишининг этиопатогенези тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, ҳозирда бир нечта асосий назариялар мавжуд ва уларнинг кўпчилиги ўзаро боғлиқ нуқталарга эга.
Гиперпигментация — бу меланоцитларнинг ошган фаолияти натижасида юзага келадиган ҳолат бўлиб, бунга қуйидаги этиологик омиллар таъсир қилади:

● Ирсий мойиллик — меланоцитларнинг турли қўзғатувчи (стимулловчи) таъсирларга нисбатан юқори сезувчанлиги билан боғлиқ ҳолда;
● Ультрабинафша нурлар таъсиридаги фотошикастланиш;
● Кўринадиган ёруғлик таъсиридаги шикастланиш (айниқса, нонвойлар ва стоматологлар каби касбий контактларда);
● Гормонал ҳолатлар (қалқонсимон без касалликлари, перорал контрацептивларни қабул қилиш, ҳомиладорлик (айниқса кўп ҳомилали), перименопауза, тухумдон ўсмалари, тухумдонларнинг дисфункцион ҳолатлари);
● Метаболик бузилишлар;
● Жигар ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари;
● Етарли овқатланмаслик (нутритив етишмовчилик);
● Сурункали гонореяли инфекция;
● Фотосенсибилизатор хусусиятига эга косметик ёки фармацевтик воситаларни қўллаш (перорал контрацептивлар, ўринбосар гормонал терапия, фенитоин ва бошқалар).
Аксарият тадқиқотлар меланин синтезини ошириш механизмларини аниқлашга қаратилган, чунки айнан ушбу жараён гиперпигментация ривожланишининг энг муҳим патогенетик босқичи ҳисобланади. Меланин меланосомаларда синтезланади, улар бир қатор ферментларни, хусусан тирозиназани ўз ичига олади [13]. Кўплаб тадқиқотчилар шунга ишонадики, шикастланган тери соҳаларида меланоцитлар ва меланосомалар сони ошган, тирозиназа фаоллиги ва меланин ишлаб чиқарилиши кучайган бўлади.
Бироқ, 2011 йилдаги тадқиқот маълумотларига кўра, пигмент тўпланган участкалардаги меланоцитлар сони соғлом теридаги миқдорга тенг бўлиб, пигментациянинг пайдо бўлиши пигмент ишлаб чиқарувчи ҳужайралар сонининг ортиши билан эмас, балки меланогенезнинг кучайиши билан боғлиқ [11].

Шунингдек, баъзи тадқиқотлар меланогенезнинг кучайиши маълум генларнинг сусайиши ёки, аксинча, фаоллашуви билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатган. Жумладан, гиперпигментация ўчоқларида H19 гени ва Wnt йўли генларида шикастланиш кузатилган

[11,13,19]. Бундан ташқари, липид алмашинувига жавобгар генларнинг сусайиши, мугуз қатлами яхлитлигининг бузилиши ва шикастланган соҳаларда терининг тўсиқ функцияси секин тикланиши ҳам қайд этилган [11,17]. Бу шикастланишлар яллиғланиш ва цитокинлар орқали меланоцитларнинг фаоллашувига ҳисса қўшиши эҳтимолдан холи эмас.

Айрим тадқиқотларда гиперпигментация ўчоқларида қуёш эластозига хос яққол ўзгаришлар қайд этилган ва ультрабинафша нурланишининг кумулятив таъсири ҳақида тахминлар билдирилган. Ультрабинафша нурланиш яллиғланиш цитокинлари — интерлейкин-1, эндотелин-1, альфа-меланоцит-стимуллаштирувчи гормон (альфа-МСГ), адренокортикотроп гормон (АКТГ) кабиларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради. Бу моддалар меланоцитларни фаоллаштириб, пигментациянинг пайдо бўлишига олиб келади [5,7,10,20,29].

Гиперпигментация ривожланишининг яна бир эҳтимолий механизми — қон томир эндотелийининг ўсиш омили (VEGF) даражасининг ошиши ва шикастланган терида васкуляризациянинг кучайиши (томирлар сони ва ҳажмининг ортиши). Инсон меланоцитлари одатда VEGF рецепторларини ўз юзасида экспрессия қилиши маълум, бу эса меланоцитларнинг ангиоген омилларга жавоб бериш қобилияти борлигини кўрсатади ва гиперпигментация ривожида томир компонентларининг аҳамиятини тушунтиради. Шунингдек, қон томир эндотелий ҳужайралари цитокинлар, плазминоген ва бошқа меланогенезга таъсир қилувчи моддаларни ишлаб чиқара олади [5,7,9,10,18].

Бироқ, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ультрабинафша нурланишнинг ўзи ангиогенезни рағбатлантиради. Демак, хлоазма ўчоқларида кузатиладиган васкуляр ўзгаришлар фақат сурункали қуёш шикастланиши натижаси бўлиши мумкин, бу эса гиперпигментация билан бирга кечади [9].

Айрим манбаларда гормонал таъсирнинг роли таъкидланган. Бу пигментацияга учраган жойларда эстроген ва прогестерон рецепторларининг кучайтирилган экспрессияси билан боғлиқ [6,18,20,24]. Бундан ташқари, ушбу назария ҳомиладорлик пайтида эстроген, прогестерон ва меланоцит-стимуллаштирувчи гормон даражаларининг юқорилиги билан билвосита тасдиқланади. Ушбу гормонлар меланогенезни ДОФАхром-таутомераза ва тирозиназа орқали рағбатлантириш қобилиятига эга. Тирозиназа фаолияти гормонлар томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита — цАМФ (циклик аденозинмонофосфат) миқдорининг ошиши орқали фаоллаштирилиши мумкин [6,18,28].

Эркакларда гиперпигментация ривожланишининг этиопатогенезида асосий роль тестостерон даражасининг пастлиги ва простата бези саратонини даволаш мақсадида диэтилстильбэстролни қабул қилишга берилади [10].

Гиперпигментация туридаги пигментация ривожида кератиноцитлар, фибробластлар ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган, меланоцитлар юзасидаги рецепторлар билан ўзаро таъсир қилувчи омиллар муҳим ўрин тутади. Мелазмали беморларда пигментация ўчоқларида кератиноцитлар ва фибробластлар чиқарадиган паракрин омиллар концентрацияси ошган бўлади. Масалан, фибробластлар томонидан нейрегулин-1 оқсилининг ортиқча ишлаб чиқарилиши меланогенезни кучайтириши мумкин. Шунингдек, кератиноцит ва фибробластларда Wnt йўли ингибитори бўлган Wif-1 оқсили ишлаб чиқарилишининг сусайиши тирозиназа фаоллигини ва меланосомаларнинг ташилиши жараёнини Wnt йўли орқали рағбатлантиради [8,9,18,19].

Ҳозирги кунда фотосенсибилизатор дориларни қабул қилишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Масалан, фенитоинни қабул қилиш 10% беморларда гиперпигментация ривожланишига сабаб бўлади. Бу дори воситаси меланоцитларга тўғридан-тўғри таъсир қилиб, эпидермиснинг базал

қатламида пигмент тўпланишига олиб келади. Препарат бекор қилинганидан бир неча ой ўтиб, пигментация ўз-ўзидан регрессга учрайди [10].

Илгарироқ, перорал контрацептивларни қабул қилиш пигментация ривожланишининг асосий патогенетик омилларидан бири ҳисобланган. Бироқ 2009 йилдаги тадқиқот натижаларига кўра, бунда оилавий анамнез каттароқ аҳамиятга эга экани аниқланган: агар аёлда хлоазмага мойиллик бўлса, у ҳолда перорал контрацептивлар қабул қилинганидан кейин пигментация ривожланиш эҳтимоли бундай ирсий мойилликка эга бўлмаган аёлларга нисбатан 2,5 марта юқори бўлган [10,12].

Пигментация бузилишининг бошқа турларида этиология ва патогенез ҳар бир клиник кўриниш учун индивидуал характерга эга.

Гипермеланознинг турли шаклларини локаллашган ва генераллашган деб таснифлаш мумкин. Локаллашган гипермеланоз одатда тери ўсмаларига мос келади ва юрак нуқсонларини ўз ичига олувчи мураккаб синдромларнинг теридаги намоён бўлиш шаклларини, шунингдек, яллиғланувчи ва/ёки инфекцион дерматозларнинг пигментланган шаклларини шакллантириши мумкин.

Диффуз (яъни тарқалган) гипермеланоз кўпинча метаболик ёки эндокрин касалликлар каби тизимли касалликларнинг белгиси сифатида намоён бўлади ёки дори воситаларини қабул қилиш натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Инсонларда тери рангининг нормал диапазони рангпар оқиш тери рангидан тортиб, оч қаҳваранг, тўқ қаҳваранг ва жуда қора теригача бўлган хилма-хилликни ўз ичига олади. Тери ранги — терининг турли хромофорларининг аралашмасидан ташкил топган: қизил (оксигемоглобин), кўк (дезоксигемоглобин), сариқ-тўқ сариқ (каротин, экзоген пигментлар) ва жигарранг (меланин).

Шу билан бирга, тери рангида асосий ролни меланин ўйнайди. Меланоцитлардаги меланосомаларда меланиннинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек кератиноцитларда меланиннинг миқдори эпидермал пигментацияга жавобгар; дермада эса меланиннинг макрофаглар ёки меланоцитларда жойлашиши дермал пигментацияни белгилайди.

Одатда пигмент бузилишлари икки асосий гуруҳга бўлинади:

1. **Меъёрий пигментнинг миқдорий ва сифатий тақсимоти бузилишлари**;
2. **Экзоген ёки эндоген пигментларнинг терида аномал равишда мавжудлиги**.

Биринчи гуруҳга тери ранги тўқлашиши билан намоён бўладиган гиперпигментациялар ва тери оқаришига олиб келадиган лейкодермия киради.

Гипермеланоз — бу терида меланин ортиқча тўпланиши ёки унинг нормал тақсимланишининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатдир.
Меланодермия эпидермал гипермеланоцитоз (меланоцитлар сонининг ортиши) ёки эпидермал гипермеланозга (эпидермисда меланин миқдорининг ошиши, меланоцитлар сони ўзгармаган ҳолда) тўғри келади. Церулодермия эса дермал гипермеланоцитоз (дермада меланин синтез қилувчи ҳужайраларнинг патологик мавжудлиги)га мос келади.
Ниҳоят, дисхромия терида эндоген ёки экзоген келиб чиқишга эга пигментларнинг аномал мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.
Пигментация ички ва ташқи омилларга боғлиқ.

Ички омиллар қуйидагилар бўлиши мумкин:
• Ирсий
• Эндокрин
• Яллиғланиш
• Нерв тизимига боғлиқ
• Озиқ моддалар етишмовчилиги
Ташқи омилларга қуйидагилар киради:
• Қуёш нурлари таъсири (инсоляция)
• Тери шикастланишлари
• Кимёвий моддалар таъсири
• Дори воситаларини қабул қилиш

Эпидемиология

Бундай ўзгаришлар жинси ва ёшига қарамасдан учрайди. Энг юқори мойиллик Фитцпатрик бўйича III–VI фототипдаги терига эга одамларда кузатилади [3,8,9,14,16]. Бу ҳолда пигментациянинг фототипга боғлиқлиги ирқий/этник мойилликка нисбатан кўпроқ экани қайд этилган [14,15]. Шунингдек, гиперпигментация кучайиши билан тери ранги орасида боғлиқлик мавжуд: тери ранги қанча тўқ бўлса, пигментация шунча кучли ва узоқ сақланувчи бўлиши мумкин [9].
Ушбу ҳолат бўйича ягона статистик маълумотлар мавжуд эмас. Турли тадқиқотчиларга кўра, гиперпигментация тарқалиши умумий популяцияда 1%дан бошлаб юқори хавф гуруҳларида 50%гача етиши мумкин. Маълумот тўплаш қийинлиги бу ҳолатнинг дифференциал диагностикаси мураккаблиги ва енгил шаклдаги гиперпигментацияга эга одамларнинг шифокорга мурожаат қилиши жуда кам экани билан боғлиқ [24].
Тиббий статистика маълумотларига кўра, гиперпигментация ривожланишига энг кўп мойиллик — 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган, Фитцпатрик бўйича 3–6 фототипдаги терига эга аёлларда кузатилади [1,3,18]. Бу ҳолатда эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўртача нисбат 1:9 ни ташкил этади [3,24].
Айрим муаллифларнинг таъкидлашича, гиперпигментация ривожланишига лотинамерикалик, осиёлик ва тўқ терига эга этник гуруҳларга мансуб аёллар энг кўп мойил бўлади [8].
Турли манбаларга кўра, ҳомиладор аёлларнинг 15%дан 75%гача гиперпигментация муаммосига дуч келади [5,7].
Охроноз аломатлари, асосан, 30–50 ёшдаги эркакларда кузатилади.
Татуажлар ҳам эркаклар, ҳам аёллар орасида кенг тарқалган. 2015 йилдаги Harris Poll тадқиқотига кўра, АҚШ катта ёшдаги аҳолисининг 29%и камида битта татуировкага эга бўлган, бу эса тўрт йил олдингига нисбатан 8%га кўпдир [2].

Классификация
Асосий таснифлаш — бу америкалик дерматолог Томас Фицпатрик томонидан ишлаб чиқилган классификация ҳисобланади:

I. Кельтча фототип — тери ҳеч қачон қизармайди, доимо куйиб кетади (жуда оқ тери, сариқ ёки қизил сочлар, кўк ёки яшил кўзлар, сепкиллар мавжуд).

II. Оқ терили европалик — баъзан тери қизаради, лекин кўпинча куйиб кетади (оқ тери, тусли ёки қаҳваранг сочлар, кўк ёки яшил кўзлар).

III. Тўқроқ европалик — тери кўпинча қизаради, баъзан куйиб кетади (ўртача тери ранги, қора тусли ёки қаҳваранг сочлар, одатда жигарранг кўзлар).

IV. Ўрта ер денгизи/осиёлик фототип — тери тез қизаради, камдан-кам ҳолларда куйиб кетади (оч жигарранг тери, жигарранг ёки тўқ тусли сочлар, одатда жигарранг кўзлар).

V. Ҳинд фототипи — тери ҳеч қачон куймайди (жуда тўқ тери, қора сочлар, қора кўзлар).

VI. Африка фототипи — тери ҳеч қачон куймайди (қора тери, қора сочлар, қора кўзлар).

Ультрабинафша нурланишга нисбатан фототиплар қуйидагича баҳоланади: I ва II фототиплар — меланодефицитли (ҳимоя йўқ), III ва IV — меланокомпетентли (орттирилган ҳимоя бор), V ва VI — меланопротекторли (туғма ҳимоя мавжуд).

Ҳозирги кунда тери ранги ҳақида интеграл баҳони колориметрик методлар орқали олиш мумкин. Спектрофотометр ёрдамида 400–700 нм диапазондаги кўринадиган нурни акс эттириш ўлчанади ва қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

- L* — ёруғлик даражаси;
- a* ва b* — хроматик координаталар (яшил-қизил ва кўк-сариқ ўқлар);
- ITA — индивидуал-типологик бурчак (пигментация кучини кўрсатади);
- C* — ранг тўйинганлиги;
- h* — ранг сояси.

Пигментациялар келиб чиқишига кўра қуйидагича бўлинади:

- Ирсий касалликлар билан боғлиқ (қора акантоз, нейрофиброматоз, Пейтц — Егерс касаллиги, пигмент сақлаб бўлмаслик);
- Тери ривожланиш нуқсонлари ва ўсмалар билан боғлиқ (меланоцитар невуслар, Дюбрея меланози, меланома, лентиго);
- Гормонал таъсирлар билан боғлиқ (ҳомиладорликдаги мелазма, Аддисон касаллиги, акромегалия, гипотиреоз).

Патогенезга кўра пигментациялар:

- Меланоцитлар сони ортиши билан боғлиқ
- Меланин миқдори ортиши билан боғлиқ
- Немеланинли пигментацияларга бўлинади.

Клиник кўринишига қараб гиперпигментациянинг тўрт асосий шакли ажратилади:

- 1. Центрофациал шакл — пигментация ўчоқлари пешона марказида, ёноқларда, юқори лабда (фильтрумдан ташқари), бурининг устида ва даҳанда кузатилади. Бу клиник вариант энг кўп учрайдиган шакл ҳисобланади — ҳолатларнинг 50–80%ини ташкил қилади [1,4,7,10,20,24].
- 2. Ёноқ (моляр) шакли — теридаги ўзгаришлар ёноқлар (моляр проекцияси) ва буриннинг атрофида жойлашади. Бу гиперпигментация шакли, одатда, эркак беморлар учун хос ҳисобланади [1,4,7,10,20,25].
- 3. Мандибуляр шакл — пигментация пастки жаға бурчакларида кузатилади. Бу жараён, одатда, 40 ёшдан кейин бошланади ва энг кўп қариялар орасида учрайди [1,4,7,10,20,24].
- 4. Экстрафациал (юздан ташқари) шакл — кам учрайдиган тур ҳисобланиб, у ёноқларнинг ташқи томонларида, бўйинда, юқори қўлларда, олдинги ва орқа декольте соҳасида, қориндаги пигментация ўчоқларини ўз ичига олади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу шакл кўпроқ перименопауза ҳолатидаги аёллар орасида ривожланади [1,4,7,10,20,24,28].

Пигментнинг жойлашув чуқурлигига қараб гиперпигментациянинг учта шакли фарқланади:

- ● **Эпидермал шакл** — доғлар жигарранг, оч, сарғимтир ёки тўқ жигарранг тусда бўлиб, кўп ҳолларда мустақил равишда йўқолиши мумкин [1,4,10]. Вуд лампаси ёрдамида текширилганда доғларнинг ранги кучаяди ва тўқ жигарранг тусга киради [16]. Гистологик жиҳатдан, кератиноцитларда пигмент миқдори ортиши кузатилади; бу меланогенез фаоллашгани билан боғлиқ, лекин меланоцитлар сони ўзгармайди [9,15,19].
- ● **Дермал шакл** — доғлар тўқ жигарранг, кулранг-қаҳваранг, кулранг кўкиш ёки қора тусда бўлади; агар тегишли даво қўлланилмаса, терида узоқ вақт сақланиши мумкин [1,4,9,10]. Гистологик жиҳатдан, пигмент дермадаги макрофагларда тўпланган бўлади. Шунингдек, меланогенез фаол бўлсада, перифолликуляр ва периваскуляр лимфоцитар инфильтрация, фиброз ҳолатлари, ҳамда эпидермисда пигмент миқдорининг камайиши кузатилади [9,15,19,21].
- ● **Аралаш шакл** — ҳар икки шаклга хос белгилари мавжуд бўлиши мумкин [9,10].

Клиник манзара

Аниқ чегараланган, симметрик жойлашган гиперпигментация оч жигаррангдан тўқ жигарранггача бўлиб, баъзан сарғимтир тусга эга ҳам бўлади. Юзаки (эпидермал) жойлашган пигмент, одатда, аниқ чегараларга ва тиниқ жигарранг тусга эга бўлади. Агар пигмент дермал қатламда жойлашган бўлса, доғлар ранг жиҳатидан кўпроқ оқимтир бўлиб, кўксимон-кулранг тусга эга бўлиши мумкин; бу ҳолда тошмаларнинг чегаралари аниқ бўлмайди, тарқоқ ва хира бўлади. Аралаш шаклда эса тошмалар жигарранг-кулранг рангда ёки ранг тарқалиши нотекис ҳолатда бўлиши мумкин.

Пигментланган соҳаларнинг ўртача диаметри 2 дан 8 мм гача бўлиб, улар айлана шаклида, кўп ҳалқали ёки камонсимон кўринишда бўлади. Кичик пигмент доғлари бир-бирига қўшилиб, нотўғри шаклдаги каттароқ ўчоқларни ҳосил қилиши мумкин.

Беморларнинг 2/3 қисмида доғлар юзнинг марказий қисмида жойлашади — пешона, бурин, юқори лаб усти ва эгак соҳалари. Камроқ ҳолларда доғлар ёноқлар ва пастки жағ бурчакларида, янада камроқ ҳолларда бўйин, қўлларнинг ташқи қисми ва олдинги ва орқа декольте соҳаларида учрайди. Шиллиик пардалар жараёнга жалб этилмайди.

Агар гиперпигментация ҳомиладорлик давомида юзага келса, кўкрак сўрғичлари ва унинг ареоласи, қориннинг оқ чизиғи, кўкрак пасти, киндик атрофи, ташқи жинсий аъзолар ва кичик лаблар чегараларида ҳам пигментация кузатилиши мумкин [1,3,4,5,7,15].

Татуировка қўйилгандан кейин ҳар хил интенсивликдаги пигментация аниқланади.

Шикоятлар ва анамнез

Беморлар юз ва тананинг очиқ соҳаларида жойлашган, ранги оч жигаррангдан тўқ кулранггача ўзгарувчи доғлардан шикоят қилишади [30]. Одатда, тошмалар ҳеч қандай субъектив белгилари (қичишиш, оғриқ ва ҳ.к.) билан кечмайди.

Анамнез йиғишда генетик мойиллик, қуёш нури таъсирига учраш частотаси, гинекологик анамнез (ҳомиладорлик, гормонал терапия, перорал контрацептивларни қабул қилиш), эндокринологик анамнез (қалқонсимон без касалликларининг мавжудлиги), фотосенсибилизатор хусусиятига эга дори воситаларини қабул қилиш (перорал контрацептивлар, ўрин босувчи гормонал терапия, айрим антибиотиклар, фенитоин ва бошқалар) инобатга олиш лозим [15,36,38,39,46].

Физик текширув

Диагноз хос клиник манзара ва косметолог шифокор кўригининг натижалари асосида қўйилади. Зарур ҳолларда шикастланиш майдони ва оғирлик даражасини қўшимча равишда аниқ баҳолаш учун MASI индекси (Илова Г1), модификацияланган шикастланиш майдони ва оғирлик индекси (mMASI) (Илова Г2) ҳамда гиперпигментация оғирлик шкаласи (MSS) (Илова Г3)дан фойдаланиш тавсия этилади [22].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси — С (далиллар ишончлилик даражаси — 5).

Изоҳлар:
MASI — бу интеграл кўрсаткич бўлиб, у гиперпигментациянинг олтита объектив белгисини балли баҳолашни ўз ичига олади: шикастланган майдон (A), пигментациянинг яққоллиги (D) ва бир хиллиги (H). Ушбу кўрсаткич асосида индекс ҳисобланади ва оғирлик даражаси 0 дан 48 гача баҳоланади. mMASI индекси — шикастланган майдон ва пигментациянинг яққоллигини баҳолайди, умумий индекс 0 дан 24 гача бўлиши мумкин.

MSS оғирлик шкаласи — пигментация интенсивлигини 0 дан 3 гача бўлган шкалада баҳолайди.

Илова Г1. MASI. Гиперпигментация майдони ва оғирлиги индекси.

MASI индекси гиперпигментацияларнинг майдони ва оғирлик даражасини баҳолаш, шунингдек, даволашга нисбатан жавобни аниқлаш учун мўлжалланган.

Асли номи: The Melasma Area and Severity Index (MASI).

Манба (ишлаб чиқувчиларнинг расмий сайти, валидация қилинган нашр):

Pandya AG, Hynan LS, Bhore R, Riley FC, Guevara IL, Grimes P, Nordlund JJ, Rendon M, Taylor S, Gottschalk RW, Agim NG, Ortonne JP. Reliability assessment and validation of the Melasma Area and Severity Index (MASI) and a new modified MASI scoring method. J Am Acad Dermatol. 2011 Jan;64(1):78-83, 83.e1-2. doi: 10.1016/j.jaad.2009.10.051. Epub 2010 Apr 15. PMID: 20398960.

Тип (тагига чизилсин):

- баҳолаш шкаласи
- индекс
- сўровнома
- бошқа (аниқлаштирилсин):

Мўлжалланиши: гиперпигментацияларнинг майдони ва оғирлик даражасини баҳолаш учун.
Таркиби (шаблон):
Ҳисоб-китоб учун юз 4 та соҳага бўлинади, ҳар бир соҳага юз майдонининг маълум фоизи тўғри келади (пешона (f) — 30%, ўнг юз соҳаси (rm) — 30%, чап юз соҳаси (lm) — 30% ва энгак (c) — 10%).

Ҳар бир соҳанинг майдони (A) 0 дан 6 гача бўлган шкала бўйича баҳоланади (0 — шикастланиш йўқ, 1 — <10%, 2 — 10-29%, 3 — 30-49%, 4 — 50-69%, 5 — 70-89%, 6 — 90-100%).
Сўнг, пигментациянинг аниқ ифодаланиши (D) ва унинг бир хиллиги (H) 0 дан 4 гача бўлган шкала бўйича баҳоланади (0 — йўқ, 1 — заиф, 2 — ўртача, 3 — аниқ ифодаланган, 4 — энг юқори даражада).
MASI ни ҳисоблаш формуласи:

0,3A(f)[D(f)+H(f)] + 0,3A(rm)[D(rm)+H(rm)] + 0,3A(lm)[D(lm)+H(lm)] + 0,1A(c)[D(c)+H(c)].
Калит (интерпретация): Яккуний баҳолаш натижаси 0 дан 48 гача бўлиши мумкин.

Илова Г2. mMASI. Гиперпигментация майдони ва оғирлигининг модифицирланган индекси.

MASI индекси гиперпигментацияларнинг майдони ва оғирлик даражасини баҳолаш, шунингдек, даволашга нисбатан жавобни аниқлаш учун мўлжалланган.
Асли номи: The modified Melasma Area and Severity Index (mMASI).
Манба (ишлаб чиқувчиларнинг расмий сайти, валидация қилинган нашр):
Pandya AG, Hynan LS, Bhore R, Riley FC, Guevara IL, Grimes P, Nordlund JJ, Rendon M, Taylor S, Gottschalk RW, Agim NG, Ortonne JP. Reliability assessment and validation of the Melasma Area and Severity Index (MASI) and a new modified MASI scoring method. J Am Acad Dermatol. 2011 Jan;64(1):78-83, 83.e1-2. doi: 10.1016/j.jaad.2009.10.051. Epub 2010 Apr 15. PMID: 20398960.

Тип (тагига чизилсин):

- баҳолаш шкаласи

- индекс

- сўровнома

- бошқа (аниқлаштирилсин):

Мўлжалланиши: гиперпигментацияларнинг майдони ва оғирлик даражасини баҳолаш учун.
Таркиби (шаблон):
Ҳисоб-китоб учун юз 4 та соҳага бўлинади, ҳар бир соҳага юз майдонининг маълум фоизи тўғри келади (пешона (f) — 30%, ўнг юз соҳаси (rm) — 30%, чап юз соҳаси (lm) — 30% ва энгак (c) — 10%).

Ҳар бир соҳанинг майдони (A) 0 дан 6 гача бўлган шкала бўйича баҳоланади (0 — шикастланиш йўқ, 1 — <10%, 2 — 10-29%, 3 — 30-49%, 4 — 50-69%, 5 — 70-89%, 6 — 90-100%).
Сўнг, пигментациянинг аниқ ифодаланиши (D) ва унинг бир хиллиги (H) 0 дан 4 гача бўлган шкала бўйича баҳоланади (0 — йўқ, 1 — заиф, 2 — ўртача, 3 — аниқ ифодаланган, 4 — энг юқори даражада).
mMASI ни ҳисоблаш формуласи: 0,3A(f)*D(f)+ 0,3A(rm)*D(rm) + 0,3A(lm)*[D(lm)+ 0,1A(c)*D(c).

Калит (интерпретация): Яккуний баҳолаш натижаси 0 дан 24 гача бўлиши мумкин.

Илова Г3. MSS. Гиперпигментация оғирлигини баҳолаш шкаласи.

MSS индекси гиперпигментация жараёнининг оғирлик даражасини, шунингдек, даволашга мумкин бўлган жавобни баҳолаш учун мўлжалланган.
Асли номи: Melasma Severity Scale (MSS).
Манба (ишлаб чиқувчиларнинг расмий сайти, валидация қилинган нашр):

Pandya AG, Hynan LS, Bhore R, Riley FC, Guevara IL, Grimes P, Nordlund JJ, Rendon M, Taylor S, Gottschalk RW, Agim NG, Ortonne JP. Reliability assessment and validation of the Melasma Area and Severity Index (MASI) and a new modified MASI scoring method. J Am Acad Dermatol. 2011 Jan;64(1):78-83, 83.e1-2. doi: 10.1016/j.jaad.2009.10.051. Epub 2010 Apr 15. PMID: 20398960.

Тип (тагига чизилсин):

- баҳолаш шкаласи

- индекс

- сўровнома

- бошқа (аниқлаштирилсин):

Мўлжалланиши: гиперпигментация жараёнининг оғирлик даражасини баҳолаш учун.

Таркиби (шаблон):
Ушбу шкаладан фойдаланиш учун пигментланган доғ туси атрофдаги ўзгармаган тери ранги билан таққосланади.

- 0 – фарқ кузатилмайди. Ўчоқлар ранги атрофдаги тери соясига тахминан мос келади.
- 1 – пигментланган доғлар атрофдаги терига нисбатан бироз тўқроқ.
- 2 – пигментланган доғлар ўрта даражада тўқ.
- 3 – пигментланган доғлар атрофдаги терига нисбатан аниқ тўқроқ ва сезиларли фарқда.

Калит (интерпретация): Натижа 0 дан 3 гача бўлган шкала бўйича баҳоланади (0 – йўқ, 1 – енгил даража, 2 – ўртача даража, 3 – оғир даража).

MELASQOL. Шкала качества жизни пациентов с мелазмой.

MELASQOL индекси мелазма билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати даражасини баҳолаш учун мўлжалланган.
Асли номи: The Melasma Quality of Life Scale MELASQOL
Манба ишлаб чиқувчиларнинг расмий сайти ва валидация қилинган нашр

Balkrishnan R, McMichael AJ, Camacho FT, Saltzberg F, Housman TS, Grummer S, Feldman SR, Chren MM. Development and validation of a health-related quality of life instrument for women with melasma. Br J Dermatol. 2003 Sep;149(3):572-7. doi: 10.1046/j.1365-2133.2003.05419.x. PMID: 14510991.

Курадовец А.А. Мелазмани баҳолаш учун косметологик амалиётда қўлланишга мўлжалланган melasqol сўровномасининг русча версиясини ишлаб чиқиш ва валидация қилиш // Соғлиқ ва таълим XXI асрда. 2018. №4.

Тип (тагига чизилсин):

- баҳолаш шкаласи

- индекс

- сўровнома

- бошқа (аниқлаштирилсин):

Мўлжалланиши: мелазма билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун.

Таркиби (шаблон):

MELASQOL халқаро сўровномаси

N	Саволнинг асл кўриниши	Ўзбек тилига таржимаси
1	The appearance of your skin condition	Терингизнинг ташқи кўриниш ҳолати
2	Frustration about your skin condition	Терингиз ҳолатидан шикоят

3	Embarrassment about your skin condition	Терингиз ҳолатидан келиб чиққан ноқулай ҳис
4	Feeling depressed about your skin condition	Терингиз ҳолатига нисбатан депрессия
5	The effects of your skin condition on your interactions with other people (e.g. interactions with family, friends, closerelationship, etc.)	Терингиз холатининг бошқа одамлар билан муносабатларингизга таъсири (масалан, оила, дўстлар, яқинлар билан ўзаро алоқалар)
6	The effects of your skin condition on your desire to be with people	Терингиз холатининг одамлар билан бўлиш истагингизга таъсири
7	Your skin condition making it hard to show affection	Терингиз ҳолати одамларга нисбатан боғлиқлик хиссини намоён қилишингизга тўсқинлик қилиши
8	Skin discoloration making you feel unattractive to others	Терингиз рангининг ўзгариши бошқалар олдида жозибадорликни сезмасликка сабаб бўлиши
9	Skin discoloration making you feel less vital or productive	Терингиз рангининг ўзгариши ўзингизни ҳаётда муҳим ва маҳсулдор ҳис қилишингизга тўсқинлик қилиши
10	Skin discoloration affecting your sense of freedom	Терингиз рангининг ўзгариши эркинлик туйғуга таъсир қилиши

Калит (интерпретация): Психометрик Ликерт шкаласи (1 дан 7 гача)дан фойдаланиб, ҳар бир савол бўйича балларни йиғиш орқали MELASQOL шкаласи индекси ҳисобланиши мумкин (7 дан 70 гача). Индекс қиймати қанчалик юқори бўлса, касаллик беморнинг ҳаёт сифатига шунчалик салбий таъсир кўрсатади.

MELASQOL индекси қийматларининг талқини

Индекс қиймати	Талқин
0-7	Тери касаллиги бемор хаётига таъсир қилмайди
8-25	Касаллик бемор ҳаётига кам таъсир қилади
26-40	Касаллик бемор ҳаётига ўрта таъсир қилади
41-54	Касаллик бемор ҳаётига кучли таъсир қилади
55-70	Касаллик бемор ҳаётига ўта кучли таъсир қилади

Лаборатор диагностик текширувлар

С 5	Умумий қон таҳлили, қонда рух, мис, темир ва ферритин миқдорини аниқлаш тавсия қилинади

Изоҳлар: Анемик синдром, яллиғланиш белгилари ва эҳтимолий заҳарланишни аниқлашга имкон беради.

C 5	Заҳм учун скрининг тестлар – МПР, RPR лардан бирини ўтказиш талаб қилинади

Изоҳлар: тери белгилари билан намоён бўлувчи яширин инфекцияларни инкор этиш.

C 5	Қонда қалқонсимон без гормонлари даражасини текшириш тавсия этилади

C 5	Қонда жинсий гормонлар даражасини текшириш тавсия этилади

C 5	Қон ивиш вақтини аниқлаш тавсия этилади

Изоҳлар: Қоннинг бирламчи қон қуйқаси ҳосил бўлиш тезлигини аниқлаш ёши катта беморларда терининг яхлитлигини бузувчи муолажаларни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

C 5	Қонда Д-димер даражасини аниқлаш тавсия этилади

Изоҳлар: Фибринолизнинг фаоллашуви ва тромботик асоратларнинг мавжудлигини баҳолаш, бу айниқса ёндош томир касалликлари бўлган ёши катта беморларда аппаратли ёки инъекцион муолажалардан олдин муҳимдир.

C 4	Агар бошқа касалликлардан дифференциал ташхис қўйиш зарур бўлса, биопсия материалининг патологоанатомик текширувини ўтказиш тавсия этилади.

Изоҳлар: Эпидермал турда: эпидермиснинг базал ва супрабазал қатламларида жойлашган меланоцитлар катта ҳажмда бўлиб, кўп миқдорда меланосомаларни ўз ичига олади, дендрит шаклидаги шохланишларнинг кўпайиши қайд этилади. Дермал турда: юзаки ва чуқур периваскуляр инфильтратлар кузатилади, улар меланофаглардан иборат. Меланоцитлар ва меланиннинг дермага кириши. Қуёш эластозининг белгилари мавжудлиги. Васкуляризациянинг кучайиши.

<u>Инструментал диагностик тадқиқотлар</u>

C 5	Пигментнинг жойлашиш чуқурлигини аниқлаш учун Вуд люминесцент лампаси (340-400 нм) ёрдамида текшириш тавсия этилади.

Изоҳлар: Эпидермал турда Вуд лампаси нурлари остида пигмент энг ёрқин ва контрастли ўлиб ажралиб туради. Дермал турда Вуд лампаси остида пигментация кучаймайди, терининг пигментланмаган жойлари билан солиштирилганда контрасти аниқроқ бўлмайди. Аралаш турда Вуд лампаси остида баъзи соҳалар ёрқин ва контрастли бўлади, баъзилари эса аксинча бўлади.

Фицпатрикнинг юқори фототиплари (IV, V ва VI) учун ушбу текширув камроқ маълумот беради. Оддий ёруғликда бундай беморларда пигментация кўкиш-кулранг тусда кўриниши ёки умуман аниқланмаслиги мумкин [10].

С 4	Дерматоскопия ёрдамида текшириш тавсия этилади

Изоҳлар: Эпидермал турда диффуз ретикуляр пигментация кузатилиб, бунда жигаррангнинг турли тусларига бўялган ва фолликул тешиклари сақланган бўлади. Дермал турда эса тўқ жигаррангдан то кулранггача бўлган диффуз псевдоретикуляр пигментация, ҳалқа, уяча ва яримҳалқа шаклидаги нақшлар, «бойўғли кўзи» (марказий қоронғу нуқта атрофида оқ ҳалқа) типидаги структуралар, васкуляризациянинг кўпайиши ва телеангиэктазиялар кузатилади.

С 5	Тери ҳолати компютер диагностикасини ўтказиш тавсия этилади

Изоҳлар: Терига ноинвазив таҳлил ўтказувчи компьютер тизимлари хроноқариш ва фотоқариш белгиларига баҳо беришда қўлланилади, шунингдек, пигментация, эритема, тери текстураси, поралар, ажинлар ва тери сезувчанлиги каби параметрларни визуализация ва таҳлил қилиш имконини беради. Клиник тадқиқотлар ушбу тизимларни фотозарарланиш ҳолатларини ва даволаш воситаларига жавобни миқдорий мониторинг қилишда, шунингдек, қаришга қарши терапия жараёнидаги динамик кузатувда самарали эканини тасдиқлаган.

С 5	Гиперпигментация учоқлари мавжуд бўлганда, таҳлил қилинаётган тери соҳасини меланин миқдори ва эритема даражаси бўйича миқдорий баҳолаш мақсадида мексаметрия усули билан диагностика ўтказиш тавсия этилади.

Изоҳлар: Мексаметрия усули ёруғликнинг сўрилиши ва акс этишига асосланган бўлиб, таҳлил қилинаётган тери соҳасида меланин миқдори ва эритема даражасини миқдорий аниқлаш имконини беради. [27].

С 5	Фотоҳужжатлаш тавсия этилади

Изоҳлар: Стандартлашган фотофиксация (доимий ёруғлик ва тўғри жойлаштириш билан) гиперпигментацияларнинг динамикаси ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш учун тавсия этилиб, миқдорий усуллар билан биргаликда визуал назоратнинг асосий воситаси ҳисобланади.

С 5	Ички аъзолар ультратовуш текшируви тавсия этилади

Қуйидаги ҳолатларда кўрсатма бўйича бошқа мутахассислар консультациялари тавсия этилади:

С 5	Метаболик синдром, семизлик, 2 тип қандли диабет аниқланганда, гормонал статусни тузатиш мақсадида эндокринолог шифокори билан консультация ўтказиш тавсия этилади. Шунингдек, терапияга қарши кўрсатмаларни истисно қилиш, даволаш натижаларини башорат қилиш, парҳез ва гормонал фонни тузатиш орқали терапия самарасини ошириш масалаларини ҳал этиш мақсадида ҳам эндокринолог кўригидан ўтиш тавсия этилади.

Изоҳлар: Қўшимча текширув ва даволаш ҳажми ҳамда хусусиятини аниқлаш мақсадида.

С 5	Олиб борилаётган даволаш учун қарши кўрсатмаларни истисно қилиш мақсадида терапевт шифокори билан консультация ўтказиш тавсия этилади.

С 5	Акушер-гинеколог шифокори билан консультация ўтказиш тавсия этилади.

Изоҳлар: Жинсий гормонлар даражасини аниқлаш ва тузатиш мақсадида.

Гиперпигментацияларнинг дифференциал диагностикаси

№	**Ҳолат/касаллик**	**Ўзига хослиги / Фарқловчи белгилари**	**Изоҳлар**
1.	Сепкиллар (эфелидлар)	Кичик, оч жигарранг доғлар, кўпинча қуёш таъсирида юз, елка ва қўлларда пайдо бўлади.	Генетик мойиллик, қуёшга нисбатан сезувчанлик ошиши.
2.	Хлоазма (мелазма)	Нотоғри шаклдаги пигмент доғлари, одатда юзда бўлади, кўпинча ҳомиладорлик ёки гормонал ўзгаришлар билан боғлиқ.	Гормонал ўзгаришлар, ҳомиладорлик, контрацептивлар, генетик мойиллик.
3.	Жароҳатдан кейинги гиперпигментация	Теридаги жароҳатлар, куйишлар, акне ёки бошқа шикастланишлардан кейин юзага келадиган тўқ рангли доғлар.	Яллиғланиш, тери шикастланиши ва тузалишидан кейинги пигментация
4.	Яллиғланишдан кейинги гиперпигментация	Акне ёки дерматит каби теридаги яллиғланиш жараёнларидан кейин юзага келадиган тўқ рангли доғлар.	Яллиғланиш, пигментациянинг яллиғланишдан кейинги бузилиши.
5.	Лентиго	Холга ўхшаш тўқ рангли доғлар, якка ҳолда ёки кўп сонда бўлиши мумкин, кўпинча ёш ўтиши билан пайдо бўлади	Қуёш таъсири, терининг қариши, генетик мойиллик.

6.	Қуёшли эластоз	Қуёшнинг узоқ таъсири натижасида терининг қалинлашиши ва сариқлашиши.	Ультрабинафша нурланишининг доимий таъсири.
7.	Витилиго	Пигментациянинг йўқолиши, терида оқ доғлар, аутоиммун касаллик.	Аутоиммун касаллик, меланин ишлаб чиқарилишидаги бузилиш.
8.	Дори этиологияли гиперпигментация	Дори воситалар қабул қилиниши натижасида юзага келган гиперпигментация.	Антибиотиклар, гормонал препаратлар, цитостатиклар ва бошқа дори воситалари.

Даволаш, шу жумладан номедикаментоз терапия, даволаш усулларини қўллаш бўйича тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.

Барча беморларга клиник шакли, касаллик оғирлиги ва танланган терапия тактикасига қарамасдан, ҳар куни терига қуёшдан ҳимоя воситаларини ташқи қўллаш тавсия этилади [49, 50, 24, 51, 52, 53].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси — С (далиллар ишончлилик даражаси — 5).

